



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
INNOVATSION  
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

# ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАР ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ-ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР



Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман

## МАТЕРИАЛЛАРИ



20 ноябрь 2021 йил



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ВА ҚИШЛОҚ  
ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАР ҲОСИЛДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ-ИННОВАЦИОН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

**мавзусидаги**

**Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман**

**ТЎПЛАМИ**

**Бухоро, 2021 йил 19-20 ноябрь**

taga yaqin (4 % atrofida) flavonoidlar (likviritin, likviritozid, glabrozid va boshqa glikozidlar hamda ularning aglikonlari), 2–4% achchiq modda, triterpenoid oleanan, vitamin C, asparagin, 6–34% kraxmal, 20% gacha mono- va disaxaridlar, pektin va boshqa moddalar bor. Qizilmiyaning yerustki qismi flavon glikozidlarga boy. Flavonoidlardan tashqari, yerustki qismi tarkibida yana saponinlar, efir moyi, oshlovchi va boshqa moddalar bor [1].

Qizilmiya o'simligining o'stirish respublikamiz hududlarida dorivor sifatida o'stiriladigan o'simliklar orasida asosiy o'rin egallaydi. Xorazm viloyati Bog'ot tumanida faoliyat yuritayotgan "Bogot master" oilaviy korxonasi bir necha yillardan buyon dorivor qizilmiya o'simligini ildizini Germaniyaga eksport qilinmoqda. Qizilmiya ildizi asosan tibbiyotda, oziq ovqat sanoati parfumeriya sohasida ishlatiladi. Uning tarkibida glitsirrizin kislota bo'lib, glukoza, saxaroza va qanddan 50 barobar kuchli shira hisoblanadi. Bu kislota jigar kasalliklariga qarshi immunitet ko'taruvchi va balg'am ko'chiruvchi dori darmon olishda ishlatiladi. Mahsulot olish jarayonida qizilmiya ildizi qo'l mehnati yordamida bir necha bosqichlardan o'tadi: navlarga ajratiladi, yuviladi, qurutiladi. So'ngra 5-8 sm kattalikda kesiladi, qadoqlanadi [5].

Qizilmiya yo'talni davolash uchun samarali dorivor o'simlik. Unga asoslangan sirop chaqaloqlarda bronxit va boshqa kasalliklarni davolash uchun tavsiya etiladi. Ushbu vositaning afzalliklari uning tabiiyligi va xavfsizligidir. Qizilmiya nafas olish sekretsiyasini ko'paytirishga yordam beradigan glitsirrizinni o'z ichiga oladi. Shu tufayli bronxlar va traxeya devorlarida joylashgan epiteliy faollashadi. Qizilmiyaning o'ziga xos xususiyati shiddatli yo'tal xuruqlarini yengilash tirishga yordam beruvchi ta'sirga ega. O'simlikning siropi kuchli mikroblarga qarshi og'riq qoldiruvchi va yallig'lanishga qarshi ta'sirga ega. Qizilmiya ildizpoyalari aralashmasi tabiiy tarkibiy qismlarga asoslangan. O'simlik tibbiyotda turli yoshdagi bemorlarni davolash uchun ishlatiladi. Mahsulot tarkibida yallig'lanishga qarshi ta'sirga ega, kramplarni yengillashtiradigan va silliq muskullarning bo'shashtiradigan bir qator foydali moddalarni o'z ichiga oladi. undan tayyorlangan dori yoqimli ta'mga va o'ziga xos hidga ega jigarrang suyuq viskoz moddadir. Preparatning asosiy terapevtik xossasi glikirrizin moddasi bo'lishiga qaramay yordamchi moddalar sifatida efir moylari, polisaxaridlar, kumarinlar va flavonoidlar muhim ahamiyatga ega.

Yuqorida keltirilgan ma'lumotlardan foydalanib shuni aytishimiz mumkin: qizilmiya o'simligi shifobaxshligi bilan birgalikda uni o'stirish qulayligi, turli iqlim sharoitlariga moslashuvchanligi tufayli undan dorivor o'simlik sifatida foydalanish mumkin. O'simlik tabiiy mahsulot sifatida organizm uchun zararsiz hisoblanadi. Biz kelgusida qizilmiya o'simligining yangi turlari va dorivorlik xususiyatlarini yanada ko'proq o'rganishni o'z oldimizga maqsad qilib qo'ydik.

#### ***Foydalanilgan adabiyotlar:***

1. Xolmatov H.X., Ahmedov O'.A., Musayeva N.A. Farmokognoziya va botanika asoslari Toshkent-2017.
2. "Dard borki- darmon bor" Hoji Mengnazar Rustam o'g'li 2010.
3. Po'latova T.P, Xolmatov H. X. Farmokognoziya amaliyoti- Toshkent: Abu Ali Ibn Sino nomidagi tibbiyot nashriyoti, 2002.
4. [http:// ziyouz. uz](http://ziyouz.uz)
5. <http://botanichka.ru/>

## **ТОК ЎСИМЛИГИДА ХАФЛИ УН-ШУДРИНГ КАСАЛИГИГА ҚАРШИ ОЛТИН ГУГУРТЛИ ПРЕПАРАТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ.**

**Ш.Тўхтаев, М.Артикова,**  
*Бухоро давлат университети*

Қимматли қишлоқ хўжалиги экиларидан бири бўлган турлари кўп, уларнинг касаллиги ундан ҳам кўп, шулардан хавfli касалликлари мавжуд. Булар жумласига: соҳга ун-шудринг ёки милдью, ун-шудринг касаллиги, яъни оидиум, антракноз (доғли антракноз) ва бошқалар. Шуларнинг энг хавfliси ун-шудринг касаллиги яъни оидиум.

<sup>1</sup>Касаллик халтачали замбуруғлар синфига оид (*Uncinula necator* Burill) замбуруғи кузатилади. Касалликдан токнинг ҳамма ер устки органлари зарарланади. Ўртача 29%, баъзан 80-85% ҳосил йўқотилади. <sup>2,3</sup>Касалликнинг дастлабки белгиси унинг баргларида асосан барглари устки қисмида намоён бўлади. Бунда баргларда доғлар пайдо бўлиб унинг устини оқ ғубор қоплайди. Бу хилдаги доғлар дастлаб майда бўлиб, кейин бир-бири билан қўшилиб кетади ва бутун барг пластинкасини қоплайди. Зарарланган барглар мўрт бўлиб қолади, қуриydi ва барвақт тўкилиб кетади. Пояларда касалликни кўкламда кузатиш мумкин. Касаллик поянинг асосидан бошланиб кейин учига қараб тарқалади. Касалликнинг дастлабки белгиси пўстлоқдаги айрим қисмларнинг қўнғирлашиши ва қорайишидан иборат. Касалланган поялар ўсишдан тўхтади ёки ривожланиши сусаяди; уларни ёки тез совуқ уради ва жуда нимжон ўсади. Касалланган мевалардаги ғубор билинар-билинамас даражада бўлиши ёки бутунлай қоплаб олиши мумкин. Агар мева доначалари эрта зарарланган бўлса, улар ўсишдан тўхтаб, буришида ва қуриб қолади. Етилаётган мевалар тўқимаси қотиб қолади. Агар мевасининг мева пўсти ва эти биргаликда зарарланган бўлса, у вақтда мева уруғигача ёрилади. Ёригларга кўчиб ўтган сапрофит бактериялар мевани бутунлай чиришига олиб боради. Ёз қуруқ келган туманларда оидиум жуда катта зарар келтиради.

Айниқса, ёзги пайтларда касаллик жуда тез тарқалиб купчилик узум бошларини зарарлайди, шу билан узум ҳосилига катта путур етказади. Касалланган узумдан тайёрланган винонинг сифати ҳам паст бўлади. Касаллик инфекциясини сақланиб қолишида мицелий асосий роль ўйнайди. Улар куртак қобиғи остида, пўстлоқ ёруғлари ва қавати орасида, куртак ичида ва тупгулнинг бошланғич муртаги атрофида кишлайди. Кўкламда мицелий қайта ривожланади ва уларда конидиал спора ҳосил қилувчилар шаклланади. Конидиялар шамол билан тарқалиб токнинг соғлом занглари дасглаб касалланишга сабаб бўлади. Касаллик инфекциясининг сақланиб қолишида уларнинг халтали инфекцияси унчалик катта аҳамият касб этмайди.

Оидиумнинг ривожланиши учун оптимал температура 20-25° С ҳисобланади. Ўсимлик касалланган кезларда ҳаво намлиги унчалик роль ўйнамайди. Конидияларнинг ўсиши учун ҳаво нисбий намлигининг 25% бўлиши кифоя. Лекин ҳаво намлигининг бундай ҳам кўтарилиши замбуруғдоннинг интенсив ривожланишини ва конидияларнинг ҳосил бўлишини тезлаштиради. Оптимал шароитда касалликнинг яшириш даври температура 20-25° С ва ҳаво намлиги 70% бўлганда 7-8 кунга температура 16° С бўлганда 12 кунга 12° С бўлганда, 17 кунга, 8°С булганда. 25 кунга тенг келади. (Бу маълумотлар билан касалликнинг олдини олишда фойдаланиш мумкин). Касаллик рта Осиё Арманистон, Грузия, Азарбайжон ва Украинада кенг тарқалган. Касалликни олдини олиш учун токларни шамоллатиш, хомток қилиш, касалланган новдаларни кесиш, барглари олиб ташлаш, экиш учун соғлом кўчатдан фойдаланиш, ўсимликларни фосфоркалий ўғити билан озиклантириш, токни куз ва эрта баҳорда Исо препаратни (2-5 Боме) бўйича ишлатилади. Вегетация даврида олтингургуртни оҳак билан 1:1 ёки 1:3 нисбатда (гектарига 15-25 кг) чанглаш; Исони (Боме бўйича 0,5%. 1% ли) коллоид олтингургуртни (гектарига 15 кг), олтингургуртни 25-30°С иссиқда қўлласса яхши самара беради. Бу барча қўлланилган препаратларда маълум кўринишда камчиликлар мавжуд шунинг учун олдимизга ун-шудринг касалининг йўқотиш учун янги препарат тайёрланишни мақсад қилиб қўйдик, яъни олтингургурт хафвсиз лекин оддий сувда эримайди ўзини сепганда 70-75% олтингургурт ўсимликдан ерга тушади. Бунинг учун биз Нефт маҳсулотининг чиқиндиси, сульфанола ва олтингургуртнинг аралаштириб, янги СФМ (сиртки фаол модда) препарат яратдик 2% қилиб, ток ун-шудрингига қўлланилганда 90-95% гача самара берди. Бу тажрибанинг 2020-2021 йилда Жондор туман Фермер хўжалигида олиб бордик. Бу экологик жихатидан тоза табиатнинг зарарламайди, одам ва иссиқ қонли хайвонларга зарарсиз, асосан ток уншудринг касаллиги буни Фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалигида кенг қўллашни тавсия қиламиз.

### **Фойдаланган адабиётлар.**

1. Р.К.Сатторова ва бошқалар. Умумий фитопотология (маъруза матнлари) Тошкент 1999 й.
2. Ш.Х.Тўхтаев ва бошқалар. Бухоро воҳасида ток бутталарини етиштириш технологияси. Амалий қўлланма. Бухоро - 2003 й.
3. Ш.Х.Тўхтаев, Ф.Ш.Тўхтаев - Ток касалликларига қарши замонавий кураш усуллари. Иқтидорли ёшлар ва фан техника тарақийёти Республика илмий - амалий тўплами Бухоро 2008 й.

## **КЛАСТЕР ТИЗИМИДА СИФАТЛИ ҒЎЗА УРУҒЛАРИНИ ЕТИШТИРИШДА АМАЛДАГИ ДАВЛАТ СТАНДАРТЛАРИНИНГ ЎРНИ.**

**Ғ.Қ Абдувоҳидов**

*Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти*

Дунёда етакчи давлатлар қаторида пахта етиштириш бўйича Республикамиз муносиб ўрин эгаллаб турибди. Ғўза уруғчилигини ривожлантиришда охириги йилларда бир қатор қонун, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида салмоқли эътибор ҳамда маблағлар йўналтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 февралдаги “Уруғчилик тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири қабул қилинган бўлиб, ушбу қонунда уруғчилик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш асосий мақсад этиб белгиланган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 397-сонли қарорида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификация қилиш, маҳсулотни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш борасида олиб борилган изчил ислохотлар натижасида аграр соҳада фаолият юритишнинг янги тизими — кластер усули жорий этилди.

Қисқа давр мобайнида кластер усулида фаолият юритиш ўзининг ижобий томонларини кўрсатди ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ресурс тежамкор техника ва технологияларни жорий этиш, қишлоқ жойларга саноатни олиб кириш ва янги иш ўринларини яратиш, юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, инфратузилмани ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3683-сонли қарорини сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун, уруғчилик ва уруғшунослик тизимини илмий асосда тубдан яхшилаш, уруғлик етиштириш ва қайта ишлаш технологияларини кластер шароитида замонавий ресурс тежовчи услубларини такомиллаштириш ҳамда уруғлик сифатини белгиловчи янги Давлат стандартларини ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ҳалқаро талабларга мослаштириш орқали ички ва ташқи бозорда маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш, тармоқни ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, шунингдек, тармоққа бозор механизмларини кенг жорий қилиш вазифаси юклатилган.

Бугунги кунда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг “Ғўза уруғчилиги, уруғшунослиги ва қишлоқ хўжалик экинларини стандартлаштириш методологияси” лабораториясида юқорида келтирилган кўрсаткичлар амалдаги О’з DSt 663:2017 “Уруғлик чигит. Техникавий шартлар” Давлат стандарти талабларини Ҳалқаро уруғларни сифатини

80	<b>З.Қ.Чориева, И.Хайдарова, К.Исаева</b> Гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш услубларини илмий асослаш.	169
81	<b>М.К.Ergasheva.</b> O‘zbekistonda landshaftshunoslik fani vujudga kelishining ijtimoiy omillari.	174

## V ШЎБА

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИ МАХСУЛОТЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШ ҲАМДА УЛАРНИ САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ, ЯНГИ ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯ ВА ИННОВАЦИОН ОМИЛЛАРНИ ИШЛАБ ЧИКИШ ВА ЖОРИЙ ЭТИШ

82	<b>Ғ.Ғ. Парпиев, З. М.Жумабоев.</b> Озуқабоп экинларни тупрок унумдорлигига таъсири.	176
83	<b>М.Qosimov, J.O.No‘monov.</b> Urug‘lik chigitlar unuvchanligiga - bioenergiya bioo‘g‘iti bilan ishlov berishning ta’siri.	177
84	<b>Ғ.Ғо‘раева, М.Ғо‘раева, S.Botirov.</b> Issiqxonalarni yangicha isitish uslublari.	178
85	<b>Ш. Ш.Акрамов, Ф. Б.Вахобова.</b> Значение производства сахарной свеклы в нашей стране.	179
86	<b>Д.У.Ғофуров.</b> “Такрорий маккажўхоридан сўнг экилган ғўзанинг минерал ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда ўсиш, ривожланиши ва курук модда тўплашига таъсири” (тошкент вилояти мисолида).	181
87	<b>R.Yunusov, F.Ganieva, Sh.Ro‘ziev, I.Yu.To‘xtaev.</b> Intensiv pakana nok bog‘lari tuprog‘ining fizikaviy-kimyoviy xossalari va rejimining tasnifi.	183
88	<b>R.Yunusov, F.A.Ganieva, O.O.Orifov.</b> Intensiv bog‘larda pakana noklarni tejamkor innovatsion texnologiyalar asosida parvarishlash omillari.	184
89	<b>Ғ.Ғо‘раева, А.Қурбонов, А.Ҳайталиев.</b> Issiqxonalarda tomchilatib sug‘orish tizimini tashkil etishning samaradorligi.	185
90	<b>Г.Т.Джалилова, А.Қ.Жетписбаева.</b> Microsoft access муҳитида тупрокларнинг атрибутив маълумотлар базасини яратиш.	186
91	<b>R.Yunusov, F.A.Ganieva, N.N.To‘raeva, M.N.Abdullaeva.</b> Nav-payvandtag kombinatsiyasi va ko‘chat qalinligining intensiv olma daraxtlarining o‘shish, rivojlanishi va hosildorligiga ta’siri.	187
92	<b>I.J.Sulaymonov, M. A.Azimjonova.</b> Qizilmiya – radices glycyrrhizae o‘simligining dorivorlik xususiyatlari	188
93	<b>Ш.Т.Тўхтаев, М.Артикова.</b> Ток ўсимлигида хафли ун-шудринг касалигига қарши олтин гугуртли препаратларни қўллаш.	190
94	<b>Ғ.Қ Абдувоҳидов.</b> Кластер тизимида сифатли ғўза уруғларини етиштиришда амалдаги давлат стандартларининг ўрни.	192
95	<b>Д.К.Бегимова.</b> Кластерлар – ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг муҳим омили.	193
96	<b>Ш.Х.Тўхтаев, Б.Турсунов, З.Алимова.</b> Браконнинг биолобаторияда кўпайиши ва қишлоқ хўжалик экинларида энтомофаг сифатида қўлланилиши.	195
97	<b>Ш.Х.Тўхтаев, М.Ф.Хайруллаев.</b> Бухоро вилоятида фитонормусни биологияси ва ҳаёт кечириши.	198
98	<b>С.Қ. Махаммадиев, Ю.А. Усманова.</b> Ғўза ўсимлиги вегетациясининг бошланғич давларида барг сатҳининг турлича шаклланишини янги истиқболли ғўза навлари мисолида ўрганиш.	200
99	<b>А.А.Қодиров, З.Қ.Чориева, Л.Иззатулаев, Ж.Қўзибоев.</b> Ингичка толали “термиз-202” ғўза навида маҳаллий дефолиантларнинг самарадорлиги .	202
100	<b>З.М.Жумабоев, Ғ.Ғ. Парпиев,</b> Тупрок унумдорлигига такрорий экилган соя ва оралик экинларини таъсири	205
101	<b>Х.Н.Атабаева, Х.А. Идрисов.</b> Мош (phaseolus aigeis piper) навларининг симбиотик фаолиятини типик бўз тупроклар шароитида тадқиқ этиш натижалари.	207
102	<b>Ш.С.Козубаев, Ғ.Қ.Абдувоҳидов, Н.Абдурахманова.</b> Ғўза нави ва уруғлари бозорини ўрганиш ва истиқболларни белгилаш.	209
103	<b>Г.Э.Оразбайева, Я.А.Бабаев.</b> Районлашган, истиқболли ва янги ғўза навларининг морфоҳўжалик белгилари ва жорий этилиши.	211
104	<b>Ш.Х.Тўхтаев, М.Хайруллаев.</b> Влияние агроприемов возделывания хлопчатника на снижение поврежденности растений озимой совкой.	212